



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY  
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION RIVOJLANISH  
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА  
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

**мавзусидаги республика онлайн**

**илмий-амалий анжумани**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**



*Alisher  
Navoiy*

**580**

**5 февраль 2021 йил  
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ  
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР  
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ  
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил 5 февраль. Бухоро

*Тўпладан республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда Алишер Навоий ижодининг турли қирралари, уни ўрганиш масалаларига доир илмий кузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассисларга мўлжалланган.*

**Тўплаб нашрга тайёрловчилар:**  
Р.Ражабова, Н.Қодирова, Н.Ўроқова

**Тақризчилар:**  
Ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.н. Т.Асадов

Мазкур илмий тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги 4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

## НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР

*Атоулло Ахмедов,*

Филология фанлари номзоди, доцент (БухДУ)

Эски ўзбек адабий тили (14-19 асрлар) даврида ўзбек адабий тили меъёрлари қатъийлашди. Бу даврнинг дастлабки босқичларида илмий асарлар араб тилида ва бадий асарлар форс-тожик тилида ёзиш анъанага айланган эди. Ўзбек тилида ҳам бадий ва илмий асарлар яратиш мумкинлигини, ўз даврининг етук олими, Мир Низомиддин Алишер Навоий ўз ижоди билан кўрсатиб берди. Жумладан, форс-тожик тилининг қайси жанр ва услубида асарлар яратилган бўлса, Навоий ҳам ўша жанр услубида асарлар ярата олди. Бу борада адиб «Мезон-ул-авзон» асарида шундай ёзади:

«Ажам шуароси ва фурс фусаҳоси (чиройли сўзловчилар) ҳар қайси услубдаким, сўз арусига (келинига) жилва ва намойиш бериб эдиларким, маъни абкориға (қизларига) зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чигатой лафзи билан рақам урдум».

Навоий ўзбек тилининг нутқ имкониятлари ҳар жиҳатдан форс-тожик тили нутқ имкониятларидан устун ва бой эканлигини таъкидлайди ҳамда қатор мисоллар асосида ўз фикрини асослаб беради. Бу билан ҳозирги ўзбек адабий тилида сўзларнинг маъновий ва шаклий муносабатга кўра турларини назарий жиҳатдан асослаб беради. Хусусан, ўзбек тилида маънодошлик, шаклдошлик, карма-қарши маъноли сўзлар, уядош сўзлар, гродонумлар, гипо-гиперонимлар, поғонавийлик муносабати каби қатор масалалар борасида дастлабки назарияни ярата олган. Жумладан, «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида «Бу газ лафздурки, ғариб мақосида (мақсадлар) адосида (баёнида) таъйин қилибтурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар». Яъни бу асарда келтирилган 100 та феълнинг ноаниқ формаси ҳақида гап борадики, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг синонимик қаторига эга эканлиги бу каби хусусият форсий тилда учрамаслиги қайд қилинган. Масалан, *ичмоқ феълига сипқармоқ, томшимоқ* каби феълларнинг синоним бўлишини уқтиради:

Соқиё тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин барай

Шарт бу ким, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқарай.

Ёки:

Соқиё, чу ичиб, менга турар қўш,

Тамший-тамший ани қилай нўш.

Шунингдек, *йигламақ* сўзининг ҳам *бўҳсамақ, инграмақ, синграмақ, сиктамақ, унурмақ, уничкирмақ* каби синонимларини келтиради.

Навоий ўз ижодиётида тилдаги омонимлардан ҳам турли стилистик мақсадларда фойдаланган.

Жуш-туш (сон), ярим кун, томон.

Ян-янмақ, янбаш;

Яқ-яқмақ, томон, яғ.

Навоий ўз асарларида фақат омоним, синоним сўзларни эмас, балки форс тилида бўлмаган сўзлардан фойдаланди. Масалан, *чўкур (жийда), қабақ, менг, илдин (яхши), чақин (яхши)*.

Башлариға гул сачсанг, алардин юзунга тикон сачилур,

Агар ул гул сачмаған бас қилсанг, бағрингға чўкур тўкилур.

(Мақбубул-қулуб)

Бунай сўзларни лексик меъёр сифатида адабий тилда қўлади: Навоий лексик нормаларни белгилашда ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли бир канча туркий сўзларни ўз асарларига сингдирди. Улар қуйидагилар:

1. Озиқ-овқат номлари: *қаймақ, қатлама, буламиқ, қурут, улаба, манту, қуймақ, ўркамач, қимиз, сузма, бўза, умач, кўмач*.

2. Чорвачиликка оид сўзлар: *тубучак, арғумақ, яқа, ябу, тажсу, той, гуана, тулан, чирга, ланга, жабилдир, хона, тўқум, чилвир*.

3. Кийим-бош номлари: *дастор, қалпақ, наврўзи, тўпни, ширдақ, жалак, дакла, қур, терлик*.

4. Ов ҳайвонлари номлари: *кийик, тўнғуз, ҳуна, қилчақчи, суйкун, бугу, марал, оҳу, гавази, хук, гураз* ва боқшалар.

Алишер Навоий адабий тилнинг грамматик меъёрларини беягилашда ҳам самарали ишлар қилди. Буни қуйидаги ҳолларда кўрамиз.

1. Тушум келишиги билан қаратқич келишиги аффикслари ўз ўрнида қўлланган. Маълумки, Навоийга замондош бўлган шоирлар ижодида қаратқич ўрнида тушум келишиги кўрсаткичи қўлланган ўринлари ҳам бўлган. Масалан, *Ушбу ерда санг тўдани(нг) устига чиқиб* (Бобурнома), *Лутфийни(нг) нияти улдурки* (Лутфий) ва ҳ.о.

2. Чиқиш келишиги фақат —*дин//дын//тин//тын* вариантларда қўлланди. Маълумки, Навоийгача бу келишик —*дун//дүн//тун//түн, дан//дән//тан//тән* каби вариантли аффиксларга ҳам эга эди.

Таққосланг: Маҳмуд Кошғарийда *судан сездан*, «Ўғузнома»да *кўп тўқушгудун сўнг, анунг кўзи кактун какра Сарди* ва ҳ.о.

3. Биргалик нисбат — *и* аффикси билан ифодаланади: *қачишмақ, татишмақ, чапишмақ*.

4. Ортгирма нисбат *-т*, аффикси билан ифодаланади *гўгурт, буюрт*

5. Сифатдош *-гу//қу//ку барғку, билгү, айткү*;

6. Навоий асарларида равишдош ясовчи *-гач//гач, кач//қач* аффикси кенг қўлланди *айлагач, еткач*

Юқоридагилардан ташқари сўз ясовчи аффиксларининг қўлланиши доираси кенгайган:

*-чи//чи* аффикси касб-хунарга, лавозим ва овчилик билан боғлиқ сўзларни ясаган *қушчи, барсчи, қўриқчи, қўрчи, сувчи, юртчи, хазиначи, ахтачи, турначи* ва ҳ.о.

*-вул* сарой лавозимлари отларини ясаган *кинтавул (қўрғон қоровули) баковул, қаравул, ясавул*

Юқоридаги фактлар шундан далолат берадики, Алишер Навоий ўзбек тили имкониятларидан жуда кенг фойдаланиши натижасида ўзбек тили лексикаси ва грамматик қурилиши маълум бир меъёрга тушди.

Архаик элементлар поэтик нутқда кўп вақт дабдабали тус бериш, тилдаги таъсирчанликни, экспрессивликни ошириш учун хизмат қилиб келди. Шу нуқтаи назардан Навоий ўз асарлари тилида бундай элементларга мурожаат қилган Навоий тилида *ари, қаму, уксук-кам, битик аси* каби лексик архаизмлар қўлланган. Мисоллар;

Каломи нечааким, сафу ариғдур

Манға нуқсондин ўзга не асиғдур (Фарҳод ва Ширин)

Ёки

Нағмалар туркона сўз этилди угуш

Мастлиғдин ўйлаким, хушнағма куш (Лисон-ут-тайр)

Шунингдек, Шарқий Туркистон тилига хос бўлган *-гу//гу//қу//ку* каби морфологик элементлар ҳам учрайди *ўқиғу, дегу, яққу, эшитку*

Навоий тилида тартиб соннинг - *инч (биринч, учинч)* аффикси билан ифодаланган варианты ҳам қайд қилинади.

Юқоридаги лексик ва грамматик шакллар Алишер Навоий тилида ўз ўрнида ва услуб талаби билангина қўлланган.

Алишер Навоий туркий тиллар маданий мероси ва бойлигидан ҳам усталик билан фойдаланди. Навоий тилида қипчоқ, ўғуз элементлари алоҳида ўрин тутди. Булар кенг тарқалгандир. Бу ҳодиса ёлғиз Навоий асарлари тили учунгина эмас, балки эски ўзбек поэтик тили учун ҳам хосдир.

Академик Радлов Навоий тилидаги ғарбий ёки ўғуз тили унсурлари масаласида икки фикрни илгари суради. Биринчи фикрга қараганда, Навоий тили ўғуз деб аталган адабий тиллар, яъни, озарбайжон, туркман, усмонли турк каби тилларга таъсир қилиб, бунинг натижасида мазкур *ўғуз тил бирликлари* юқорида кўрсатилган тилларга тарқалган. Бунда академик Радлов Навоий тилининг ғарбий тилларга таъсирини кўзда тутди. Иккинчи фикрга қараганда, Навоий замонида ғарбий туркларда шундай бир адабий тил

маркази бўлганки, бу адабий тил турли йўллар билан Навоий тилига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Бу ўринда академик Радловнинг фикрлари ўзини етарли даражада оқламайди. Чунки Алишер Навоий асарларида ўз даври учун номеъерий шаклларнинг қўлланилиши турли поэтик талаблар, чунончи, аруз вазни талаби, қофия талаби ва бошқалар асосида қўлланилган:

*Ўн секиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим ўн секиз ёшиндадур.*

Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф тармоғида ёзилган ушбу ғазалда “секиз” сўзи ва “-нда” ўрин-пайт келишиги қўшимчасининг ўғузча кўриниши биринчи руқуннинг иккинчи ҳижоси, еттинчи руқуннинг иккинчи ҳижоси қисқа бўлиши ва 4-, 8-руқунларнинг 1 ҳижоси чўзиқ бўлиши учун қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ўз даврида ҳозирги ўзбек адабий тили грамматик меъёрларининг назарий асосларини яратган эди. Энг асосийси ўзбек тилининг нутқ имкониятларидан фойдаланиш йўлларни амалда кўрсатиб берган. Шу билан бир қаторда луғатчилик борасида ҳам тегишли назария ва амалиётни юзага чиқарган. Бу эса бу кунги давр ўзбек миллий грамматикасини яратиш учун меъзон вазифасини ўтайди.

## **«МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ**

*Ёқуб Саидов,*  
филология фанлари доктори,  
профессор (БухДУ)

Алишер Навоий ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий мавқеини кўтариш хусусидаги ғоялари ҳамда фикр-мулоҳазаларини бир умр мунтазам тарғиб этди. Ҳаётининг охирларида эса ўзининг бу соҳадаги бутун фаолиятини умумлаштирди ва илмий-тарихий жиҳатдан катта қийматга эга «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарини ёзди. Асар 1499 йилнинг декабрида ёзиб тугатилган. Унинг майдонга келиши дунё тилшунослигида жуда муҳим ҳодисадир.

Асар туркий (ўзбек) тилнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кўтариш, унинг бир неча асрлардан бери туркий халқларнинг таълим ва адабиёт соҳаларида етакчи мақомда бўлиб келган форсий тилдан асло қолишмаслигини, ундан сўз борасида бойроқ ва янги сўз яшаш имкониятлари кенгроқ эканлигини далиллаш, туркий тилли шоирларни ўз она тили, яъни туркий (ўзбек) тилда ижод қилишга ундаш мақсадида ёзилган. Алишер

<i>Qalandarov Hamza</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA ISLOM TA'LIMOTI VA TASAVVUF G'OYALARI.....	224
<i>Qilichev R.</i> ALISHER NAVOIY SURATINI CHIZGAN MUSAVVIRLAR...226	
<i>Шабнам Юсуфзода</i> “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА “ДЕВОНИ ФОНИЙ” ШАРҲИ.....	229
<i>Muhtaram Rajabova</i> ALISHER NAVOIYNING SIYOSIY HUQUQIY QARASHLARI.....	233
4-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
<i>М.К.Абузалова, У.Ш.Аҳмадова</i> НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР.....	237
<i>Атоулло Ахмедов</i> НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР.....	241
<i>Ёқуб Саидов</i> «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	244
<i>Бибиш Жўраева</i> ЭЛИГА ЎЗЛИГИН ТАНИТГАН ДАҲО.....	248
<i>Х.А. Арипова, Н.Н. Розикова</i> АЛИШЕР НАВОИ О КУЛЬТУРЕ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	251
<i>В.Е. Kilichev</i> “МУНОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ВА SO‘ZLARARO MA’NOVIY MUNOSABAT.....	257
<i>Г.Тоирова, Г.Хайруллаева</i> НУТҚНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ РАЗМЕТКА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	260
<i>Г.Тоирова, Н.Ҳамроева</i> НУТҚ ОДОБИ НАВОИИ НАЗМИДА.....	263
<i>D.A. Axmadova</i> “LISON UT – TA’YR”DA METAFORALAR.....	266
<i>Н.Жахонова</i> НАВОИЙ ҚЎЛЛАГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАРИ ХУСУСИДА.....	269
<i>Норова М.Ф.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	273
<i>Sevara Po`latova</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA AREAL LINGVISTIKA....	276
5-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ, ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ	
<i>Ф.А. Муминов</i> БЫЛ ЛИ АЛИШЕР НАВОИ СУФИЕМ И МИСТИКОМ?....	279
<i>Д.С. Ўраева, З.Б. Джалилова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУЛЛАР ОБРАЗИНИНГ АСЛИЯТ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ....	285
<i>M.I. Gadoeva</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA QO‘LLANILGAN “BAG‘IR” SOMATIZMINING INGLIZCHA VA RUSCHA TARJIMADA BERILISHI.....	288
<i>Mehrigiyo Jo‘rayeva</i> NAZM VA NAVODAGI NAMOHANGLIK.....	292
<i>D.A. Nasriyeva</i> NAVOIY ASARLARINING TARJIMADAGI O‘RNI.....	294